## *Ўзбекистон Коммунистик партияси устави лойиҳаси муҳокамада*

**Чортоқ районидаги «Октябрь» жамоа хўжалиги партия комитети ҳисобида 178 коммунист бор. Уларнинг аксарияти ҳал қилувчи бўғинларда тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлашаяпти. Оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишлар жонланаётганлиги, КПСС аъзоларининг шахсий ибрати туфайли барча тармоқ жадал ривожланмоқда. Айниқса, бу йилги натижалар қувончли. Уста деҳқонлар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳар гектар ердан режадаги 34 центнер ўрнига қарийб 40 центнердан пахта ҳосили олдилар. Давлатга жами 3.312 тонна сифатли хом ашё сотилди. Жамоат чорвачилиги фойда келтирувчи тармоққа айланмоқда.**

**Хўжалик коммунистлари шу кунларда кузги-қишки тадбирларни изчил амалга ошириш билан бирга Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави лойиҳасини манфаатдорлик билан муҳокама қилмоқдалар. Шийпонларда, фермада, устахоналарда ўтказилаётган йиғилишларда турли таклиф-мулоҳазалар билдирилаяпти. Қуйида КПСС аъзоларининг дил сўзлари баён этилди.**

### ЭЪТИҚОД КУЧИ

**М. ҚОРАБОЕВ,**
**пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати**

●

— Хўжалигимиз коммунистлари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави лойиҳасини қизиқиб ва тушуниб кутиб олдилар. Тарихий ҳужжат Ўзбекистон коммунистлари ишлаб турган шароитни ҳисобга олиб тўлдирилган ва ривожлантирилган. Айниқса ундаги аъзоликни тўхтатиш тартибини ойдинлаштириб берадиган, назорат органларининг мақоми ва ваколатларини белгилайдиган нормаларга аниқлик киритилганлиги яхши бўлган. Устав лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида ҳар бир меҳнат жамоасида коммунистларнинг тутган ўрни, уларнинг мавқеи КПСС XXVIII съездидан кейин қай даражада ошганлиги равшанлашади. Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичига партия ташкилотларининг фикрини ифодалайдиган, улар орттирган тажрибалар ҳисобга олинган ҳужжатни тақдим этиш имкониятига эга бўлинади. Лойиҳанинг иккинчи боб, 9-бандидаги «Виждонан меҳнат қилишга мажбурдир» жумласини: **«Виждонан, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга мажбурдир»**, деган таҳрирда беришни таклиф этаман. Сабаби коммунист бўлиш ҳеч кимга ҳеч қандай имтиёз бермайди, балки зиммага масъулият юклайди. Қутлуғ номга сазовор бўлган киши мақсад сари дадил ҳаракат қилишга, энг оғир ерда фаолият юритишга, тадбиркорлик, ташаббускорлик кўрсатишга даъват этилгандир. Меҳнат жамоасидаги муҳит биринчи навбатда партия аъзоларининг ўз бурчларини қандай бажараётганликларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу фикрни кўп йиллик тажрибага суянган ҳолда айтаяпман.

Бундан уч йил муқаддам колхозимиз ўрта хўжалик ҳисобланарди. Район партия комитети вазиятга тўғри баҳо бериб, ибратли тадбирларни амалга оширди. Ишлаб чиқаришда бой тажриба тўплаган, пахта илмининг устаси Юсуф Ариббоев бошқарув раиси этиб сайланди. Ҳал қилувчи бўғинлар коммунистлар ҳисобига мустаҳкамланди. Учта қолоқ бригадада цех партия ташкилоти тузилди. Оммавий-сиёсий ишлар жонлантирилди. Коммунистлар, тажрибакорлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш, иш шароитини яхшилаш, иқтисодиётни юксалтиришга қаратилган фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Партия комитети КПСС аъзоларининг раҳнамолигини кучайтирди, хайрли ҳаракатлар қўллаб-қувватланди.

Шу ўринда хўжалигимиз фахри — Холмат Абдухолиқов фаолияти хусусида тўхталмоқчиман. Яхши фазилати — эришилган натижалар билан кифояланмайди. Ёш пахтакорлар билан ўз тажрибасини баҳам кўради. У ўз ташаббуси билан адир ерда деҳқончилик қилмоқда. Бу йил Ф-198 навли чигитни синовдан ўтказди. Ҳал қилувчи дамларда шогирдлари билан чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб ишлади. Сув танқислигини омилкорлик билан енгди. Натижада ҳар гектар адир ердан 37,8 центнердан оқ олтин йиғиштирилди. Режадаги 160 тонна ўрнига 190 тонна пахта сотилди.

Коммунист Ҳакимжон Қозоқов деҳқончиликда ўзига хос тажриба мактабини яратган. Кўп йиллик ҳалол меҳнатлари партия ва давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У эндиликда Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган пахтакор, меҳрибон мураббий. Оғир шароитда меҳнат қилаётган бўлса-да, ҳамиша ишнинг қаловини топади. 1990 йилда фан ютуқларини амалиётга жорий этди, чортоқлик донгдор пахтакорлар тажрибасидан унумли фойдаланди. Ҳакимжон ака партиянинг обрўсини тўкишга уринаётган, миш-мишлар тарқатаётган кимсаларга нисбатан муросасиз курашмоқда. Унинг таъсирчан чиқишлари пахтакорлар, чорвадорлар, боғбону соҳибкорлар тўғри йўлни танлаб олишларида муҳим омил бўлаяпти. Эътиқодли, ҳар қандай шароитда ҳам сўз ва иш бирлигини таъминлаётган бу ажойиб коммунист бошлиқ бригада муваффақиятта эришди. Ҳосилдорлик гектарига биринчи маротаба 40 центнерга етди. Деҳқон чўнтаги пул кўрди, бунёдкорлик ишлари жонланди.

Ҳаётимдан мамнунман. Пахтага кўнгил қўйиб кам бўлмадим: бирим икки бўлди, номим эл оғзига тушди, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати бўлдим. Буларнинг ҳаммаси зиммага масъулият юклади. Бригадамиз заршунослари карвондан ортда қолмасликка ҳаракат қилдилар. Далаларда вақт билан ҳисоблашмай ишладик. 38 пудратчи илғор усул афзалликларини амалда намойиш этди Давлатга белгиланганидан кўп — 190 тонна хом ашё топширдик. Бу ютуқда Э. Мўминов, Ф. Нуриддинов, Х. Ражаббоев каби уста деҳқонларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ҳамқишлоқларим наказларини вақтида бажаришга ҳаракат қилаяпман. Яқин кунларда Айқирон қишлоғида янги мактаб қурилиши бошлаб юборилади, Ўриксор маҳалласида йўллар асфальтланади. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, агар ҳар бир коммунист, меҳнаткаш давр руҳини, шу кун масъулиятини чуқур ҳис қилса, ташаббус кўрсатиб ишласа мақсадга эришилади.



**СУРАТДА: жамоа хўжалиги партия комитети котиби О. Мамажонов мутахассислар билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави лойиҳаси хусусида фикрлашмоқда.**

Б. АЛИМОВ олган сурат.

### ҚАРИ БИЛГАНИНИ ПАРИ БИЛМАС

**Р. РАҲМОНОВ,**
**цех партия ташкилотининг секретари**

●

Партиявий-ташкилий, мафкуравий иш намунали йўлга қўйилса, ҳар қандай кичик ташкилот катта кучга эга бўлиши мумкин. Устав лойиҳасини қизиқиш билан ўқир эканман шу фикр хаёлимда жонланди. Ҳужжатда жумҳурият коммунистларининг яшаш ва ишлаш шароити, ўй-ташвишлари ҳисобга олинганлиги қувончли ҳол. Жумладан, партия аъзоси саломатлиги ёмонлашгани ёки ёши ўтиб қолгани сабабли партия ҳаётида фаол қатнаша олмаса, бошланғич партия ташкилоти унинг шахсий аризаси асосида аъзолик бадалини тўлашдан озод қилишга ҳақли, деб топилганлиги кўпчиликни қувонтирди. Авваллари баъзи ветеранлар худди шу сабабга кўра аъзолик бадалларини вақтида тўлашолмасди. Оқибат натижада партиявий интизом бузиларди. Партияда камида 30 йил фаол ишлаган коммунистга бошланғич партия ташкилотининг қарори билан «КПСС ветерани» фахрий унвони берилиши ҳам хайрли иш. Бироқ, фикримча, **муддатини 25—30 йил** деб белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хўжалигимизда кўпгина табаррук ветеранлар бор. Улар бизнинг суянган тоғларимиздир. Оғир дамларда нуронийлар ҳамиша мададкор. Бу йил жумҳурият Президенти фармонини бажариш юзасидан белгиланган тадбирларга кўра уй-жой қуриш, томорқаларни кенгайтириш учун 241 гектар ер ажратилди. Пахта майдонлари қисқарди, 850 тонна оқ олтин етиштириш имконияти йўқолди. Шунда ветеранларни кенгашга чақирдик. Кўпчилик 400 гектар ерда ингичка толали пахта етиштириш лозим, деган таклифни илгари сурди. Биринчи маротаба 9871-И навли чигит экдик. Сабаби унинг ҳосилдорлиги юқори, бир тонна биринчи нави 1780 сўм даромад келтиради. Эзгу мақсад йўлида қўшимча тадбирларни амалга оширдик. Уюшқоқлик, ялпи сафарбарлик туфайли кутилганидан кўп — 3 минг тонна қимматли хом ашё йиғиштириб олинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда пахтачиликдан 3 миллион 740 минг сўм даромад олинади.

1990 йил баракали келди. Давлатга мева, полиз маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган режалар ҳам зиёдаси билан адо этилди. Бироқ ҳали ишимизда камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар кўп. Хўжалик марказида янги боғча қурилиб ишга туширилди, водопровод қувурлари ётқизилди. Аммо Ўриксор маҳалласидаги шароит қувонарли эмас. Мактаб, боғча, маданий-маиший хизмат муассасалари етишмайди. Раҳбар ва мутахассислар, касаба уюшмаси комитети пешона тери эвазига топилган даромаднинг асосий қисмини ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфлашмоқчи.

Куни кеча 6-бригада дала шийпонида Устав лойиҳаси хусусида қизғин баҳс юритилди. Ҳамкасбларим 6-боб 42-бандига эътиборни қаратишди. «Ишлаётган коммунист пенсионерлар партия аъзолик бадалларини пенсиядан, иш ҳақидан алоҳида-алоҳида тўлайдилар» жумласига аниқлик киритиш лозим. Фикримизча, пенсия ва иш ҳақининг умумий қийматидан келиб чиқиб иш кўрилса, тўғри бўлади.

### КОММУНИСТ ХОҲИШИ

**Р. ЖУРАБОЕВА,**
**сигир соғувчи**

●

— Ферма цех партия ташкилоти Устав лойиҳасини чуқур ўрганиш юзасидан муҳим тадбирларни амалга ошираяпти. Ушбу ҳужжатда бошланғич ташкилотлар нуфузини оширишга алоҳида эътибор берилган. Масалан, эндиликда партия аъзолигига қабул қилиш тўла уларнинг ихтиёрида. Авваллари партияга кираётган киши маъмурий-буйруқбозлик услубининг турли тўсиқларига дуч келарди. Бўлар-бўлмасга бошланғич ташкилот ишига аралашиш, қоғозбозлик бўлажак коммунистларнинг шаштини қайтарарди. Бу каби камчиликлар бизга қимматга тушди. Ферма коммунистлари партия йиғилишида лойиҳа муҳокамаси юзасидан ўз фикрларини билдирдилар. Мен иккинчи боб 10-бандидаги: «Коммунист ўз хоҳишига кўра ва бошланғич ташкилотларнинг розилиги билан иш жойида ёки истиқомат жойида партия ҳисобида туради», деган жумлани таҳрир этиш керак, деб ўйлайман. Негаки, **КПСС аъзоси албатта ўзи меҳнат қилаётган жамоа партия ташкилоти ҳисобида туриши лозим.**

Биз — чорвадорлар ҳалол меҳнатимиз билан маъмурчилик ишига арзигулик ҳисса қўшишга ҳаракат қилаяпмиз. Коммунистлар ҳар ишда бош-қош. Уларнинг жонбозлиги, ташкилотчилиги туфайли жамоат чорвачилиги оёққа турмоқда. Ёдимда, бундан икки йил аввал навбатдан ташқари чақирилган партия йиғилишида қолоқликнинг сабаблари очиб ташланганди. Қисқа вақт ичида чорвачиликни сердаромад соҳага айлантириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Озуқа базасини мустаҳкамлаш, моллар зотини яхшилашга алоҳида эътибор берилди. Мутахассислар фаолияти устидан назорат кучайди. Биринчи йилиёқ озуқакорларимиз ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 350 центнердан силос учун кўкпоя, 50 центнердан макка дони олишга эришдилар. Молхоналар механизациялаштирилди, сигирсоғарларнинг унумли меҳнат қилиб, кўнгилли дам олишлари учун шароит яратилди. Тўхтахон Жўрабоева, Бодомгул Жиянбекова, Орифа Неъматова каби оқ чашма соҳибалари ҳар сигирдан 3000 килограммдан сут соғиб олишмоқчи. Социалистик мусобақа қизғин тус олди, унинг оммавийлиги таъминланди. Натижада қувончли ютуқларни қўлга кирита бошладик.

Жорий йилнинг ўтган ўн ойида 1989 йилнинг шу даврига нисбатан 3 тонна сут, 2 тонна гўшт кўп етиштирилди. Ҳар сигир маҳсулдорлиги 25 килограммга ортди. Қишловга пухта тайёргарлик кўрдик. Мўл озуқа жамғарилди. Молхоналар сифатли қўлдан чиқарилди. Ўзим ҳам илғорлардан ўрнак олишга, мусобақага қизғин тус беришга баҳоли қудрат ҳаракат қилаяпман. Ниятим—қиш ойларида ҳам ҳар сигирдан кунига 10—11 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиш.

**Суҳбатдош:**
**М. ҚАЮМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.**

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

МОСКВА, 20 ноябрь. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг котиби А. Н. Гиренко раислигида КПСС Марказий Комитетининг партия миллий сиёсати масалалари доимий комиссиясининг амалий мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия тўғрисидаги низом лойиҳаси, унинг ишчи гуруҳлари ва маслаҳатчилари таркиби муҳокама қилинди. Марказий Комитетнинг доимий ишловчи ана шу органи фаолиятининг режаси қабул қилинди.

Комиссия ўз мақомига мувофиқ партиянинг миллий сиёсатга доир дастурий ҳужжатларини ишлаб чиқади, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ишларнинг аҳволини таҳлил этади ва КПСС Марказий Комитетига тегишли таклифлар киритади.

## ССЖИ НАРХЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИДА

Баъзи иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашлари (РСФСЖ, Қозоғистон ССЖ) кундалик зарур бўлмаган молларнинг айрим турларига шартномавий эркин нархлар жорий этиш тўғрисидаги ССЖИ Вазирлар Кенгаши қарори амал қилишини вақтинча тўхтатиш хусусида қарорлар қабул этганлиги муносабати билан ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси қўйидагиларни маълум қилади:

Бир қанча кундалик зарур бўлмаган молларга шартномавий эркин нархлар жорий этиш тўғрисида ССЖИ Вазирлар Кенгаши қабул қилган қарор амалдаги қонунларга мувофиқдир.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши тўғрисидаги қонунга мувофиқ, Иттифоқ ҳукумати нарх сиёсати ўтказилишини таъминлайди ва нарх системасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди. Унга халқ истеъмол моллари чакана нархлари даражасини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари мазкур қарор ССЖИ Олий Кенгаши шу йил октябрь ойида қабул қилган халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари бир қисми ҳисобланади. У мазкур дастурнинг бир қанча бўлимларига асосланади, «500 кун» дастурига тўғри келади.

ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарори амал қилишини баъзи иттифоқдош жумҳуриятлар вақтинча тўхтатиб қўйишлари аслида боши берк кўчага олиб кирадиган қарор ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг объектив иқтисодий шарт-шароити ҳамда бозорнинг аҳволи нарх белгилашни такомиллаштириш юзасидан шошилинч тадбирлар кўришни талаб қилади. Зеб-зийнат буюмлари ва бошқа кундалик зарур бўлмаган моллар нархининг шартнома тартибига ўтказилиши ва уларнинг оширилиши муқаррардир. ССЖИ ҳукумати қарори амал қилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорлар ҳуқуқий нуқтаи назардан қараганда, аслида мамлакатимиздаги қонунни бузишларнинг давоми ҳисобланади. У шу йилнинг ноябрида ССЖИ Олий Кенгашининг кейинги мажлисларида қаттиқ қораланган эди.

Яқинда Марказий телевидение ўзининг биринчи программаси орқали РСФСЖ Олий Кенгаши депутатларининг сўзларини эшиттирди. Улар ССЖИ Вазирлар Кенгашининг қарорини тўхтатиб қўйишга доир ўз мавқеларини асослаб бердилар. Депутатлар, жумладан, мазкур қарор билан олдиндан таништирилмаганликларига ва ҳукуматнинг, гўёки чакана нархларни тубдан ислоҳ қилиш соҳасида дастури йўқлигига эътиборни қаратдилар.

Биринчи масала юзасидан шуни айтиш керак: ССЖИ Вазирлар Кенгаши бундай масалаларни иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг ҳар бир депутати билан келишиб олиши мумкинлигини ҳатто тасаввур этиб бўлмайди. Бундан ташқари нима учун РСФСЖ Олий Кенгашининг депутатлари ҳамма нарса худди улар билан келишиб олиниши керак, деб ҳисоблашлари хусусида савол пайдо бўлади. Унда бошқа иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг депутатлари билан қандай иш тутиш керак? Агар қарор қабул қилинишини шу тариқа тасаввур этадиган бўлсак, унда бирорта қарорни мамлакатимиз иқтисодиётидаги ишларнинг аҳволи талаб этаётганидек ўз вақтида, зудлик билан қабул қилиш мумкин бўлмаса керак. Мазкур қарор лойиҳаси барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан келишиб олинганди.

Чакана нархларни ислоҳ қилиш дастурининг йўқлиги тўғрисидаги масалага келганда, ушбу дастур бутун халққа маълум. У икки йилдан кўпроқ вақтдан бери кенг муҳокама қилинмоқда. Ҳукумат шу йилнинг ўзидагина икки марта — май ва сентябрь ойиларида ССЖИ Олий Кенгашининг сессияларида шу ҳақда маълум қилган эди. Маълумки, мазкур дастур озиқ-овқат маҳсулотлари ва асосий ашёвий моллар нархи оширилиши муносабати билан аҳолига етказиладиган зарарнинг ўрнини қоплашга доир аниқ-равшан омилларни ўз ичига олган.

Ана шу аниқ тадбирга қарши баъзи кишиларнинг гўёки шартномавий нархлар тўғрисида қабул қилинган қарор мафиячилар билан чайқовчиларга қўл келади деб ўйламасдан айтаётган гаплари кишини ажаблантиради. Аслида эса ҳаммаси бунинг аксидир. Хусусан паст нархлар ва истеъмолчилар эҳтиёжининг юксаклиги чайқовчилик учун шарт-шароит яратиши ҳаммага маълум. Нафақат совет фуқаролари, айни вақтда хорижий мамлакатларнинг фуқаролари ҳам заргарлик буюмларини, увилдириқ ва бошқа тақчил маҳсулотларни бойлик орттириб қолиш мақсадида кўплаб сотиб олаётганликлари ташвиш уйғотади. Кейинги йилда божхонада мамлакатимиздан ғайриқонуний тарзда олиб кетилаётган заргарлик буюмлари ва бошқа қимматбаҳо буюмлар икки марта кўп мусодара қилинди. Совет валютасини олиб кетиш беш марта кўпайганлиги ҳам айниқса ташвиш уйғотмоқда. Унга бизнинг молларни арзон нархларда сотиб олиш мумкин бўлур эди. ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси баъзи иттифоқдош жумҳуриятларнинг халқ депутатлари бундан кейин ҳам шундай нархларни сақлаб туриш керак ёки керак эмаслиги хусусида пухта ўйлашлари ва ақл-ҳушни жойига қўйиб, чамалаб кўришлари керак. Жиноятчи гуруҳларга йўл очиб, қимматбаҳо буюмларни хорижий мамлакатларга ташиб кетишга кўмаклашаётган бундай нархларни бундан буён ҳам сақлаб туриш керакмикан?



**«Бухараагрострой» бирлашмасига қарашли 17-автокорхона вилоят миқёсидаги қурилиш ташкилотларига хизмат кўрсатади. Бу ерда вақтдан, мавжуд имкониятлардан, транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш туфайли яхши натижаларга эришилмоқда. Ашур Қурбонов белгиланган ойлик топшириқни 120—130 фоиз адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётир. У ўз тасарруфидаги автомашинани 16 йилдан бери ремонтсиз бошқараяпти. Касбини ардоқлаётган пешқадам ҳайдовчи айни кунда 1991 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қилаётир.**

**СУРАТДА: А. Қурбонов манзилга отланаётган пайт.**

Ш. НУРУЛЛАЕВ олган сурат.

## ЖАНГЧИЛАР БИРЛИК ТАРАФДОРИ

20 ноябрь куни Москвада уруш ветеранлари совет қўмитасининг пленуми бўлди.

Қўмитанинг 1990 йилдаги иш якунлари ва унинг 1991 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида уруш ветеранлари совет қўмитасининг раиси авиация маршали А. П. Силантьев маъруза қилди.

Пленум қатнашчилари уруш, меҳнат ва ССЖИ Қуролли Кучлари ветеранлари Бутуниттифоқ ташкилоти низоми лойиҳаси ҳамда совет уруш ветеранлари ташкилоти низомининг янги таҳрири лойиҳасининг уруш ветеранлари ташкилотларида қилинган муҳокамаси натижалари билан танишдилар.

Нотиқлар мамлакатда ветеранлар ҳаракати бирлигини сақлаб қолишни ёқлаб гапирдилар.

Москва остоналарида немис-фашист қўшинлари тормор этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Пленум ишида уруш, меҳнат ва ССЖИ Қуролли Кучлари ветеранлари Бутуниттифоқ кенгашининг раиси, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков қатнашди.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

20 ноябрь куни Тошкентда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Вилоят Кенгашининг раиси, Тошкент вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов «Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг «Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССЖнинг Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ қонунини амалга оширишига доир чора-тадбирлар ҳақида» маъруза қилди.

Сессияда Тошкент вилоят ижроия комитетининг раиси С. Д. Сайдалиев Тошкент вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди.

Депутатлар қишга тайёргарлик ва вилоят аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга оид тадбирлар, Ўзбекистон ССЖ Президентининг «Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Улуғ Ватан уруши ногиронлари, қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги фармони қандай бажарилаётгани, Бўстонлиқ ва Паркент районларини экология жиҳатидан соғломлаштириш ҳамда бу ерда курорт зонасини ташкил этиш тадбирлари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилдилар.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Р. А. Попов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

## ФАЗОДАГИ ИШ КУНЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ. Геннадий Манаков билан Геннадий Стрекаловнинг шу ҳафта бошланишидаги учиш дастурига космик материалшунослик, тиббий-биологик тадқиқотларга доир ишлар, шунингдек учувчи бошқарадиган комплекс ускуналарига ҳамда илмий аппаратларига белгиланган тартибда хизмат кўрсатиш борасидаги ишлар киритилган.

Фазогирлар «Зона—03» қурилмасида вазнсизлик ҳолатида ярим ўтказгичли германий материалини олиш мақсадида навбатдаги эритиш ишларини бошлаб юбордилар.

Совет ва болгар мутахассислари тайёрлаган «Нур» оранжереясида фазода учиш шароитида сабзавот экинларини етиштириш технологиясини пишиқлаштиришга доир тажриба давом эттирилмоқда. Экипаж оранжереядаги иқлим муҳитини назорат қилмоқда, ўсимликларни муттасил суратга олмоқда, уларнинг ривожланишини кузатмоқда.

«Прогресс М—5» автомат юк кемасидаги ишлар тартибига мувофиқ станция ёқилғи идишларини ёнилғи ва оксидловчи модда билан тўлдириш режалаштирилган.

Фазогирлар кун мобайнида маълум миқдорда белгиланган жисмоний машқларнинг юрак-қон-томир системасига таъсирини аниқлаш мақсадида тиббий текширишдан ўтадилар. Бу иш кўп вазифаларни рўйхатга оладиган «Гамма» аппаратидан фойдаланиб бажарилади.

Учувчи бошқарадиган «Мир» комплексининг парвози нормал ўтмоқда. Экипаж аъзолари ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

